

2017 -2018 йиллар 1-чорак якунларига кўра, Автомобил йўллари давлат кўмитасининг асосий фаолият кўрсаткичлари тўғрисида тахлилий МАЪЛУМОТ

Т/р	Асосий фаолият тури бўйича кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2017 й 1-чорак факт	2018 й 1-чорак факт	2017 йилнинг I-чорагига нисбатан(%)
	Бажарилган иш хажми, жами	млрд.сўм	302,0	470,7	155,9
	шу жумладан:				
1	Инвеститсия дастури бўйича	млрд.сўм	59,7*	74,7*	125,1
2	Тўла таъмирлаш ишлари	млрд.сўм	9,4	9,5	101,3
3	Минтақавий йўлларни таъмирлаш ("Вилоят минтақавий йўлларга буюртмачи хизмат" ДУКлар буюртмаси билан)	млрд.сўм	11,9	13,0	109,2
		км	201	210	104,5
4	Умумий фойдаланувдаги автомобил йўлларини жорий таъмирлаш ва сақлаш ишлари	млрд.сўм	195,3	346,8	177,6
		км	418	480	114,8
5	Саноат ишлаб чиқариш	млрд.сўм	25,7	26,7	104,1


	ҳажми				
6	Янги ишжойларини яратиш	киши	64	124	194,0
7	Қора металл чиқиндиларини топшириш	тонна	4094	4100	100,1

* Xalqaro moliya institutlari mablag'lari hisobiga, xoriy pudrat korxonalarini tomonidan bajarilgan ish hajmi bilan birga.

Қўмитатизимидаги корхона ва ташкилотларда 2018 йилнинг I чораги давомида Инвестициядастурига асосан умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида 74,7 млрд. сўмлик қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди. Ушбу кўрсаткич 2017 йилнинг худди шу даврига нисбатан 125 фоизни ташкил этади.

Бундан ташқари тўла таъмирлаш дастурига асосан умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида 9,5 млрд. сўмлик таъмир ишлари бажарилди. Бу кўрсаткич эса ўтган йилнинг I чорагига нисбатан 101,3 фоизни ташкил қилади.

2018 йилнинг 1-чорақ якуни бўйича Республикадаги 210 км минтақавий автомобиль йўллари таъмирланди. Шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида 7,5 км, Андижонда 17,9 км, Бухорода 13,4 км, Жиззахда 6,2 км, Қашқадарёда 33,4 км, Навоийда 1,3 км, Наманганда 1,2 км, Самарқандда 4,8 км, Сурхандарёда 77,0 км, Тошкент вилоятида 19,7 км, Фарғонада 15,2 км, Хоразмда 11,2 км ҳамда Тошкент шаҳрида 1,2 км минтақавий автомобиль йўлларида таъмирлаш ишлари олиб борилди. Минтақавий ички йўллар таъмири ҳажми эса ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан 104,5 фоизга ошган.



2018 йил I чораги давомида Республика бўйича автомобиль йўлларида 42695км узунликдаги йўллардан 480кмдан иборат қисмида жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, уларнинг ҳолати яхшиланди. Буэса 2017 йилининг I чорагига қараганда 114,8 фоизни ташкил этади.

Қўмита тизимидаги корхонлар томонидан 2018 йил I чорагида 26,7 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Мазкуркўрсаткич 2017 йилининг I чорагига нисбатан 104,1 %ни ташкил этганлигини кўрсатади.

Тизим корхонлари томонидан 2018 йил I чорагида 124 та янги иш ўринлари яратилди. Бу кўрсаткич эса 2017 йилининг мосравишдаги тегишли даврига қараганда қарийб икки баравар ортиб, 194,0 фоизни ташкил этади.

Корхонлар томонидан қора металл чиқиндилари топширишкўрсаткичи 2018 йил I чорагида 4100тоннани ташкил этади. Бу – қарийб ўтган йилги даражада қолиб, камайишга йўл қўйилмаган.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат кўмитасининг 2018 йил I чорагида – умумий бажарилган ишлар ҳажми – 470,7 млрд. сўмликдан иборат. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг I чорагига нисбатан бир ярим баравардан зиёдга ошиб, 155,9 % ни ташкил этганлигини кўрсатади.